# ЧЎЛПОННИ ХОТИРЛАБ...

Чўлпон буюк истеъдод эгасидир. Унинг мана шундай буюк инсон бўлиб етишишида отаси Сулаймон Юнус ўғлининг таъсири каттадир. У ўз даврининг ўқимишли кишиси бўлиб, шеъриятга қизиққан ва ўзи ҳам «Расво» тахаллуси билан шеърлар битиб, уни девон ҳолига келтирган. Уни андижонликлар эъзозлаб, Мулла Сулаймонқул баззоз ҳам дейишган. Албатта, мана шулар таъсирида Чўлпоннинг сўз санъатига қизиқишида, шоир бўлиб шаклланишида отасининг таъсири сезилади. Баъзи манбаларда Чўлпон билан отаси ўртасида келишмовчилик бўлгани, шунинг учун Чўлпон уйидан Тошкентга кетиб қолгани ҳақида сўз юритилган. Лекин шоирнинг синглиси Фоиқа аянинг берган маълумотига кўра бунинг акси бўлган. Тўғри, Чўлпон оилада ёлғиз ўғил бўлган. Аммо ота ёлғиз ўғлини эркалаб талтайтирмайди. Уни ўқимишли, комил инсон бўлиб етишишини истаб бир турк домласини уйига олиб келиб ўқиттиради. Сўнгра рус мактаби ва мадрасаларда ўқитади. Шу билан бирга, ўғлининг ўқишини доимо назорат қилиб боради. Шоирнинг синглиси Фоиқа аянинг хотирлашича, Чўлпон отаси билан келишмай қолиб, шоир Тошкентда яшаганда ҳам улар ўртасида шеърий ёзишмалар бўлган.

Чўлпон ёшлигидан отаси каби шеъриятга қизиқиб, ўзи ҳам шеър қоралай бошлайди. Шоирнинг замондошларидан бири Юнус Мақсудовнинг хотирлашича, «Абдулҳамит олти-етти ёшидаёқ савод чиқариб, саккиз-тўққиз ёшида андижонлик Миркомил бойни танқид қилиб ёзган мақоласи газетада босилганди. Бундан хабар топган бой дарғазаб бўлиб, Сулаймон баззозни чақирган. Баззоз ёлғиз ўғлим бор, тўққиз ёшда, аммо ҳануз мактаб кўрмаган. Ишонмасангиз, эртага дўкондан қайтишингизда ўғлимни сизга кўрсатаман, дея аранг бойнинг олдидан қутулиб чиққан. Эртаси бўлиб ўтган воқеани Абдулҳамидга тушунтирди. Сен эртага Миркомил бой маҳалламиздан ўтаётганда бошяланг, оёқяланг бўлиб, кўчада варрак учириб юр деб тайинлайди. Бўлмаса бой бизни хонавайрон қилади дейди. Сулаймон баззоз ана шундай йўл тутиб, бойнинг ғазабидан қутулиб қолган экан». Мана шундан ҳам Чўлпоннинг буюк истеъдод эгаси эканлигини билса бўлади. У 1914 йилда «Адабиёт надур» номли адабий-танқидий мақоласини ёзади. Бу мақола билан танишиб чиққанлар мақола муаллифи 16 ёшли Чўлпон эканлигига ишониши қийин, албатта. Чунки унда ҳозирги замон ўзбек миллий адабиёти қандай бўлиши кераклиги ниҳоятда аниқ ва равон очиб берилганки, уни катта тажрибага эга киши ёзган деб ўйлаш мумкин.

Чўлпон лирик шоир сифатида «Уйғониш», «Булоқлар», «Тонг сирлари», «Соз», «Жўр» номли шеърий тўпламларини яратди ва ўзбек адабиётида ўзига хос ўрин тутди. 20-йилларда деярли кўплаб китобхонлар, ўқувчи ёшлар Чўлпоннинг шеъриятига катта қизиқиш билан қараганлар ва камида иккитадан шеърини ёд олганлар.

Чўлпон йирик носир сифатида публицистик мақолалар, очерк ва ҳикоялар, «Дўхтур Муҳаммадёр», «Ёв қиссалари», «Кеча ва кундуз» романи, «Ёрқиной», «Замона хотини» каби ўнлаб драмалар яратиб ўзбек китобхонлари эътиборини ўзига қаратди. Бундан ташқари у моҳир таржимон сифатида Шекспирнинг «Ҳамлет», Карло Гоццининг «Маликаи Турандод», Мольернинг «Хасис», Э.Потьенинг «Байналмилал», Пушкиннинг «Борис Годунов», «Дубровский», Криловнинг «Бўри билан қўзичоқ», М.Горькийнинг «Она», Хитой шоирлари, Ҳайне, Саёт Нова, Шевченко, А.Блок, Лохутий шеърлари, Тургенев, Чехов, Тагор ва бошқаларнинг асарларини ўзбек тилига ўгирди. Ўзбек адабиётига мана шундай катта ҳисса қўшган шоир, ёзувчи ижодига 1927 йиллардан тош отишлар бошланди ва у 10 йил, яъни 1927—1937 йилларда қийин ҳаёт кечиради. Асарлари бостирилмайди. Ишдан четлаштирилади. Энг яқин дўстлари ундан юз ўгиради. 35 ёшида қанд касалига учрайди. Таъқиб, танқид кучаяди. Чўлпон иродали, сабр — қаноатли, ғаму андуҳларга бардошли бўлса-да ўта нозиқ кўнгил, таъсирчан эди. Шунинг учун у ҳеч кимга, ҳатто яқинларига ҳам ўз атрофидаги кишиларига ноҳуш нарсаларни билдирмаган. Умуман, у қийинчиликка бардош бериб, келажакка умид билан қараган, ижод қилишдан тўхтамаган. Лекин унинг умидлари чилпарчин қилинади, «ХАЛҚ ДУШМАНИ» сифатида 1937 йил қамоққа олинади ва 1938 йил қатл этилади. Асарларини ўқиш тақиқланади. Шунга қарамай, айрим кишилар унинг асарларини сақлаб қўйишади ва Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, Чўлпон ижодига яна қизиқиш орта бошлагач, ўзларидаги Чўлпон асарларини келтириб беришади. Шундай кишиларимизнинг саъй ҳаракатлари билан ўзбек китобхонлари Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» шеърий тўплами, «Кеча ва кундуз» романи, «Ёрқиной», «Замона хотини» драмалари, «Новвой қиз», «Дўхтур Муҳаммадёр» каби насрий асарлари ва мақолалари билан танишиш имкониятига эга бўлди.

Ўйлаймизки, Чўлпоннинг 100 йиллиги муносабати билан ўзбек китобхонлари Чўлпон қаламига мансуб, лекин ҳозиргача маълум бўлмаган асарлари билан танишадилар.

Муҳайё ҲАМИДОВА

*Фил суриб, от ўйнатиб*

# «ТРУД» СОВРИНЛАРИ ЎЧУН

Спорт бу аввало ҳалол кураш демак. Бинобарин, у мавжуд экан, турли хилдаги беллашувлар, олишувлар, мусобақалар кўмагида муайян ҳудудда у ёки бу спорт тури бўйича кучлиларни саралаш ва аниқлашни тақозо этади. Расмий мусобақалар — албатта туман, шаҳар, вилоят, республика биринчиликлари ана шу мақсадга хизмат қилади. Бироқ спорт турлари, чунончи, республикамизда чинакам халқ ўйинига айланган шахмат тобора тараққий топиб бораётган айни замонда биргина расмий мусобақалар ўтказиб туриш билан чекланиб бўлмайди. Ҳаваскорлар, биринчи галда катта спортга интилаётган иқтидорли ёшлар ўртасида қўшимча тадбирлар ўтказишни давр талаб қилмоқда.

Бу йўлда биз ҳам анчамунча тажриба орттирдик, ҳисоб. Масалан, шу йил ўрталарида «Ишонч» газетаси совринлари учун ўтказилган мусобақа Ўзбекистоннинг биринчи чемпиони, ажойиб мураббий ва ташкилотчи Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишланган анъанавий турнирларни қайта тиклаб, янги номларни кашф этди. Бу беллашув маҳоратига кўрик бўлди.

Мана, бир ҳафтадирки, Марказий «Пахтакор» стадионидаги республика шахмат клуби ёшлар билан гавжум. Бу ерда республика мустақиллигининг олти йиллигига бағишланган болалар халқаро шахмат турнири авж палласига миниб турибди. «Труд» газетаси ғолибларга ажойиб совринлар таъсис этган бўлса, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Ўзбектуризм» миллий компаниялари ҳам мусобақага ҳомийлик қилмоқдалар.

Ушбу мусобақаларга Қорақалпоғистон республикаси, Андижон, Фарғона вилоятларидан ва Қирғизистон республикасидан биттадан, Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд вилоятларидан, ҳатто иккитадан команда, юборилгани ҳолда, бошқа вилоятлар бир нафар ҳам вакил юбормаганликлари ажабланарли, балки ачинарли ҳолдир. Шахмат ҳам маънавият ва маърифат эканлигини наҳотки улар билишмаса. Афсус, ҳар бир командада 4 нафар ўғил ва 2 нафар қиз шахматчи бўлиб, болалар турнирида 56, қизлар турнирида эса, 31 нафар қиз ўзаро баҳс юритмоқдалар. Низомга кўра, улар швейцарча усулда 9 тадан учрашув ўтказадилар. Команда аъзолари тўплаган очколар жамланиб, улар эгаллаган ўринлар аниқланди. Ғолиб командалар ва турли ёш тоифасига кирувчи иштирокчилар орасида ғолиб чиққанлар «Труд» газетаси таъсис этган қимматбаҳо соврин эгалари бўлдилар.

Ушбу болалар халқаро турнирининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда келгуси ойларда Франция ва Ҳиндистонда ўтказиладиган Осиё ва Жаҳон болалар биринчилигида иштирок этувчи республикамиз вакилларининг барчаси қатнашмоқда. Бу уларга яхшигина машқ ҳамда ажойиб маҳорат мактаби вазифасини ўташи муқаррар. Келинг, ўшалар ҳақида икки оғиз сўз юритайлик.

Самарқанд вилоят жамоаси асосан, Ҳамроқуловлар оиласи аъзоларидан иборат. Уларнинг кенжаси Жўрабек 10 ёшда бўлса-да, анчагина тажрибага эга бўлиб қолди. Иккинчи турда у тошкентлик 9 яшар Темур билан учрашар экан, ўз устунлигидан шундай усталик билан фойдаланиб, ғалаба қучдики, кўриб хайратланасиз. Ирода ва Иброҳим Ҳамроқуловларни асти қўяверинг, рақибларини асло нафас олдиртирмадилар.

Францияга йўлланма олган қашқадарёлик 10 ёшли Сарвиноз Эргашеванинг республика интернат жамоаси аъзоси Ҳиндистонда ўтадиган Осиё биринчилигига йўлланма олган Севара Юсупалиева устидан зафар қучишига бир баҳя қолди. Ҳисобдан янглишди. Дастлабки бир неча учрашувлардан сўнг нуқул спорт усталигига номзодлардан иборат Тошкент шаҳрининг биринчи жамоаси билан шу мусобақада ягона спорт устаси, ёшлар Жаҳон ва Осиё биринчиликлари қатнашчиси Иброҳим Ҳамроқулов бошлиқ Самарқанд вилояти терма командаси пешқадамлик қилмоқда. Ҳалқаро болалар турнири шу ой охирларида ниҳоясига етади.

**Мамажон МУҲИДДИНОВ.**



Куз япроқлари...

*Спорт салтанатидан дараклар*

### ПОЛ ГАСКОЙН ҚАЙТМОҚЧИ

Англия миллий терма командасининг ярим ҳимоячиси машҳур Пол Гаскойн энди ўз ватанига қайтишини билдирди. У ҳозирча Шотландиянинг «Глазго рейнджерс» жамоасида тўп сураётган эди. Бу ҳақда Англиянинг «Астон Вилла» клубининг президенти Дуг Эллис «Глазго рейнжерс» клубининг президенти Девид Мюрреер билан келишиб олганлигини маълум қилди. Гаскойнни «Эвертон», «Шеффилд», «Тонтенхем» каби жамоалар ҳам таклиф қилишган. Шартнома тахминан 5 миллион доллар атрофида. Пол Гаскейн ўтишининг сабаби қилиб «оиламга яқинроқ бўлишни хоҳладим» — деб қўяқолди.

### ФРАНЦУЗЛАР ИТАЛИЯЛИКЛАРНИ КЎРИШНИ ХОҲЛАЙДИ

Футбол бўйича келаси йили Францияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати ташкилий қўмитасининг Бош директори Жак Ламбер бўлғуси биринчиликни итальян футболчиларисиз кўз олдига келтира олмаслигини билдирган. У бу гапни Италиянинг Фарнеза шаҳрида жойлашган Франция элчихонасида чемпионат шарафига зарб этиладиган эсдалик тангаларини тақдимотига бағишланган кечада айтган. Ламбернинг сўзларига Италия футбол федерациясининг президенти Лючано Ниццола «Биз Францияга албатта борамиз, бу аниқ» — деб жавоб берган. У шунингдек чемпионатга борадиган 2,5 миллион футбол ишқибозининг 5-8 фоизи италияликлар бўлишига ҳам кафолат берган.

### КЎЗ-КЎЗ ҚИЛИШНИНГ УСУЛИ КЎП

Лотин Америкаси озодлик ҳаракатининг фаолларидан бири ҳозирда номи афсонага айланган Эрнесто Че Гевара ўлимининг 30-йиллигини машҳур футболчи Диего Марадона ўзига хос тарзда хотирлади. Узоқ танаффусдан сўнг «Бока ҳунифс» командаси билан тренировка учун майдонга тушган футбол юлдузи Че Геваранинг сурати татуировка қилинган ўнг билагини фахр билан намойиш қилди. Марадонанинг бу иши уни коммунизм ғояларига содиқлик белгисидан кўра, ўзини кўрсатишнинг бир тури бўлса керак.

### РАВАНЕЛЛИ РОССИЯЛИКЛАРГА ҚАРШИ ЎЙНАЙДИ

Франциянинг «Олимпика» командасининг ўйинчиси Фабрицио Раванелли жаҳон чемпионати биринчилиги учун 29 октябрда Италия ва Россия командалари ўртасида бўладиган учрашувда Италия жамоаси составида ўйнаш учун таклиф қилинди. Дастлабки номзодлар ичида унинг ўйинларидан қониқиш ҳосил қилган Италия терма командасининг устози Чезаре Мальдини Раванеллини командасига таклиф қилган.

### ДАРВОЗАБОН, ҲАКАМ ВА НОКАУТ

Бразилияда мамлакат кубоги учун «Рио Бранку» — «Фламенго» жамоалари ўзаро куч синашдилар. Қизиғи ўйиннинг 30 дақиқасида юз берди. Учрашув ҳакам «Рио Бранку» командаси дарвозабони Вальтенирга коптокни ўйинга киритмаётганлиги туфайли сариқ карточка кўрсатди. Бундан норози бўлган дарвозабон ҳакамга ёпишиб, бир қўли билан унинг бўйнидан ушлади-ю, юзига икки маротаба тарсаки тортиб юборди. Ҳакам мувозанатини сақлашга анча уринди, бироқ оёқлари унга бўйсинмади.

### УЧ ТЎП УРГАН ДАРВОЗАБОН

Югославия чемпионатида ўта қизиқарли футбол «спектакли» юз берди. «Радничка» клуби ўз майдонида Загреб шаҳри футболчиларини қабул қилган эди. Ушбу ўйинда ҳакам меҳмонлар дарвозасига учта ва майдон эгалари дарвозасига битта 11 метрлик жарима белгиланди. «Радничка» дарвозабони Пантерич рақиблари дарвозасига уч гал ҳам тўпни бехато киритди. Ўз дарвозасига тепилган жарима тўпини ҳам дарвозабон маҳорат билан қайтарди.

### ХУДДИ ЎША ДИЕГО...

Футбол қироли Диего Марадона Италиянинг «Наполи» командасида тўп сурган 7 йил мобайнида шартномада кўрсатилганидан ташқари 30.000.000 лира бойлик тўплаган. Футбол қироли Италияда ўйнаган даврида бешта енгил машина сотиб олган, шулардан учтаси «Мерседес 500», тўртинчиси «Феррари Фио» ва бешинчиси «Феррари Тестароссе» эди. Битта командадаги энг кўп фойда келтирган футболчилар ўртасида ҳам қирол Марадонанинг исми ҳамиша рўйхатнинг бошида туради. У 7 йил мобайнида «Наполи»га 2.000.000.000 лира фойда келтирган.

### МИЛЛАТНИНГ ШАШТИ

Камерун терма командасининг ёрқин ҳужумчиси Роже Милла ҳозир 45 ёшда. Шундай бўлишига қарамасдан у ўтган жаҳон чемпионатида рақиблари дарвозасига ниҳоятда чиройли тўп киритиб, мухлисларини ҳурсанд қилган эди. Ҳудо хоҳласа Роже 1998 йил Францияда ўтказиладиган 16-жаҳон чемпионатида қатнашмоқчи. Биз ҳам ўз навбатида 46 ёшида футбол майдонида 10 дақиқада маҳорат билан ўйнай оладиган машҳур футболчига фақатгина омад тилаб қоламиз.

### ХОТИН-ҚЎРИҚЧИ

Футбол ҳакам Матье ўйиндан сўнг ишқибозлар ҳужуми-ю, ундан хафа бўлган жамоа дағдағасидан қўрқмай стадиондан хотиржам чиқиб кета оладиган якка-ю ягона арбитри бўлса керак. Чунки унинг шахсий қўриқчиси бор. У ҳам бўлса Матьенинг турмуш ўртоғи бўлиб, у полиция мактабларидан бирида дзюдодан дарс беради. Баъзи ҳовлиқмалар ўйиндан сўнг бу аёлдан ўз «насибаларини» олганлар.

### УСТУННИ СИНДИРГАН ШОВВОЗ

XIX аср охирларида Англия терма жамоасининг моҳир дарвозабони 165 кг. вазнли «бақалоқ» лақабли Билл Хоулк тўпни қайтараман деб беҳосдан дарвозаси устунини синдириб юборган. Футбол тарихида бундай воқеалар содир бўлмаган эди.

### КАНТОНАНИНГ ЯНГИ САРГУЗАШТЛАРИ

Франция терма жамоасининг тезкор ҳужумчиси Эрик Кантонанинг инжиқликларини футбол фанатлари яхши билишади. Бу гал Кантона янги қилиқ кўрсатди. Истамбулдаги жавоб ўйинида у «Ғалатисарой» жамоаси ўйинчисига нисбатан қўполлик қилди. Бу ҳам камлик қилгандай, швейцариялик ҳакам Курс Ротлим Бергерни ҳақоратлади. Эвазига ҳакам уни майдондан чиқариб юборди. Бундан ташқари футболчи 10 минг доллар жарима тўлайдиган ҳам бўлди.

### ҚИММАТГА ТУШГАН САЙР

Машҳур баскетболчи Аплпен Анверсон кечки пайт ўзининг «Мерседес» автомобилида сайр қилиб юрганини кўрган миршаблар уни тўхтатишди. Назоратчилар янглишишмаган экан. Унинг машинаси ғилофидан 45 колибрли тўппонча, марихуанна жойлаштирилган бир неча папирос доналари топилди. Энди Аплпен ноқонуний бу қилмиши учун суд олдида жавоб беради.

### ШИФОКОРЛАР ХИЗМАТИ

«Нигерия» — «Марокко» учрашуви давомида футболнинг ашаддий ишқибозларидан беш киши даволаниш учун касалхонага ётқизилди... Стадионнинг ўзида эса жами 129 шифокор мухлисларга тинимсиз тиббий ёрдам кўрсатиб туришди. Бунинг асосий сабаби учрашувнинг 45 даражали иссиқ остида ўтказилганлигидадир.

### ТУҲМАТ БАЛОСИДАН...

Жаҳонга машҳур «Хьюстон Рокете» баскетбол командасининг ёрқин ҳужумчиси Чарльз Баркли шу кунга қадар барлардан бирида фуқаролардан кимнидир дўппослаганликда айбланаётган эди. Ниҳоят жуда ҳам катта шов-шувларга сабаб бўлган бу воқеа ўз ечимини топди. Маълум бўлишича, Чарльз Барклига ғанимлари туҳмат қилишган экан. Энди ғанимлар бу «хурмача» қилиқлари учун катта миқдорда жарима тўлайдиган бўлишди.

**У. ЖУМАЕВ тайёрлади.**

## САДҚА БЎЛСИН БУ ЖОНИМ

Қалбимга бермас ором пари-пайкар жононим,
Шунчалар ҳам гўзалки, танамда қайнар қоним.

Ёмон кўздан асрасин сарвдек қадди қоматин,
Етишдим висолига, садқа бўлсин бу жоним.

Бир дилкаш дилдорим бор, боқмас бегоналарга,
Мадад бергил эй, Оллоҳ, дарз
кетмасин иймоним!

Шиорим яхшиликдур, ҳамдамимдур яхшилар,
Яхши ният -ла келган бўлур азиз меҳмоним.

Юр тўлсин лолаларга, ғам кўрмасин бу диллар,
Ардоқлагум ҳамиша, бор бўл Ўзбекистоним!

Севги-ю Ватан меҳри юракдан жой олибдур,
Баҳодир қониб айтар: гулгун диёр — маконим!

## КЎЧАСИНДА

Кездим кўтариб гул, жонон кўчасинда,
Кўрсамки, юрар ул шодон кўчасинда.

Кўз қирин ташлар — юлдузлари чақнар,
Булбул каби яйрар хушхон, кўчасинда.

Саргашта бўлиб жон, қолдим лолу ҳайрон,
Қурдим манзил — ошён — боғбон кўчасинда.

*Шеърият мухлисларига*

Айт, не ниятинг бор, берма дея озор,
Битдим тинмай ашъор, достон кўчасинда.

Тинглаб дилдан орзум, айлади табассум,
Дер бир умр бўлгум мезбон кўчасинда.

Шодлан эй, Баҳодир, бахт берди бу тақдир,
Ки, сайр этсанг арзир осмон кўчасинда.

## ЮРАК ДАРДИ

Неча кунки ёр, қалбингда чиқмас садо,
Кеча-кундуз сени ўйлаб, бўлдим, адо.

Йўлларингга мунтазирман, келмайсан ҳеч,
Бунчалар ҳам қийнамоқдан не муддао?

Ҳижронларни бас қил энди, эй, моҳидил,
Наҳот қалбинг эритмайди минг илтижо?

Умр ўтиб бормоқдадир оқар сувдек,
Қачон эсар боғимизда шўхи сабо?

Келгин, ўпай гул тутган ул қўлларингдан,
Кутар севги кошонаси кел, марҳабо!

Юрак дардим назм айладим ёниб-ёниб,
Баҳодирни ёр десанг гар бўлмас хато.

**Баҳодир ЭГАМОВ.**

# КЎРГУЛИК

**(интермедия)**

(Қишлоқдаги пахта тозалаш корхонаси бошлиғининг хонаси. Ишчи Эрмат кириб келади.)

**ЭРМАТ**: — Чақиртирган экансиз.

**БОШЛИҚ**: — Табриклайман Эрматжон, кеча етти ойлик иш натижаларини кўриб чиқдик. Сен корхонамизнинг энг пешқадами ва ишга ўз вақтида келувчиси, деб топилдинг, ука! (Бошлиқ қўнғироқ тугмасини босади, котиба эшикдан мўралайди) Менга касаба уюшма раисини чақиринг! Шундай ука, бундан буён бўш келмайсан!

(Хонага касаба уюшма раиси киради)

**РАИС**: — Эрматвой, улкан ютуқларинг билан табриклайман, қани қўлни бер! Сени икки кассеталик магнитафон билан мукофотлашга қарор қилдик, уни касаба уюшма аъзолари йиғилишида тақдим этамиз.

**ЭРМАТ**: — Раҳмат, раҳмат! (Суюнганидан икки қўлини кўксига қўяди)

**БОШЛИҚ**: — Энди ука, ҳурмат тахтасининг тўри ҳам сеники, битта яхши тушган суратинг бўлса келтириб бер, хўпми?

**ЭРМАТ**: — Уйда тайёри йўқ эди, суратга атайлаб тушиб келаман.

**РАИС**: — Албатта, суратга туш: ҳажми тўққизу ўн икки бўлсин. Ҳа, айтгандек, қишлоғимизда суратказш йўқ, (Бошлиққа қараб)туман марказига бориб келади-да!

**БОШЛИҚ**: - Эртага бир кун жавоб, суратга тушиб келақолсин.

**ЭРМАТ**: — Хўп бўлади, эртага туман марказига бораман! (Ховлиққанича чиқиб кетади. Орадан бир ҳафта ўтганидан кейин раис хонасига Эрмат кириб келади).

**ЭРМАТ**: — Ассалому алайкўм, раис бува!

**РАИС**: — Келинг, «илғор!», (ҳўмрайиб сўрайди) қаёқларда юрибсиз? Ё мақтовлардан талтайиб кетдингизми?

**ЭРМАТ**: — Суратга тушиб келдим.

**РАИС**: — Суратга бир ҳафта тушадими, ахир! Бир кунга жавоб берилган-ку!

**ЭРМАТ**: — Туман марказига борсам, у ердаги суратчи касал экан. Кечга томон вилоят марказига бордим. У ерда тунаб, эртасига суратга тушувдим, эртага келиб ҳабар олинг, негативни кўрамиз, дейишди. Эртасига бордим: негатив яхши чиқмабди. Сураткаш яна суратга олди. Унинг эртасига яна негативни кўрдик. Бу галгиси яхши чиқибди. Сураткаш икки кундан кейин келиб олиб кетинг, деди. Бу ёққа келиб, яна боришим учун бир кундан яна икки кун вақтим кетади, шунинг учун ўша ердаги меҳмонхонада уч кун тунаб, кино-ю, театрга тушиб, вақтни ўтказдим. Мана сурат.

**РАИС**: — Қани? (у суратни қўлига олади), яхши тушибсан. Энди буни илғорлар «Ҳурмат тахтаси»гамас, қолоқлар тахтасига қўймиз!

**ЭРМАТ**: — Нега, айб менда эмас-ку?

**РАИС**: — Нега айбдор эмассан, бир хафта ишга чиқмадинг!

**ЭРМАТ**: — Икки кун дам олиш кунини уйда ўтказдим, бўлмаса олдинги ҳафтада ишга чиқардим.

**РАИС**: — Хўп икки кун дам олдинг, унгача-чи?

**ЭРМАТ**: — Сураткаш касал бўлса нима қилай? Туман марказида биттагина суратчи бор экан, холос. Шундан вилоят марказига боргандим.

**РАИС**: — Ука, бу баҳонаю шикоятингни аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи корхонаси бошлиғига айтасан! Ҳа, шундай, энди илғормас, қолоқсан!

**ЭРМАТ**: — Қаёқданам суратга тушмоқчи бўлдим! (Икки қўли билан бошини чангаллаб қолади)

**РАИС**: — Бошлиғимиз ҳам, бошқалар ҳам сени умумий йиғилишда муҳокама қилиш керак, дейишди. Магнитафон ўрнига энди бирор жазо олурсан балким, кўргулик!

(ПАРДА)

Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ

## БИЛАСИЗМИ?

### ОВҚАТ ПАЙТИДА

Болангиз овқатланаётганда уни асло шошилтирманг, чунки унда стресс ҳолат, яъни хроник гастрит касаллиги пайдо бўлиши мумкин.

### САҚИЧ ЧАЙНАШ ОҚИБАТИ

Агар болангиз оч қоринга сақич чайнаса, ошқозон бези ўзидан ёлғон суюқлик ишлаб чиқара бошлайди. Бу иштаҳанинг йўқолишига сабаб бўлади.

Сақични болаларга овқатдан сўнг чайнашга рухсат бериш мумкин. Шунингдек, сақич чайнаётганда бола оғзидан олиб, яна қайта оғзига солишини қатъиян ман қилиш зарур. Акс ҳолда унда турли касалликлар пайдо бўлиши мумкин.

**Русчадан БАХТИЁР РАСУЛОВ таржимаси.**

**Тошкент Давлат Университети томонидан Очил Рўзиевич Тоҳиров номига берилган ЕВ № 242443 рақамли диплом йўқолганлиги муносабати билан БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ МАХСУС ИШОНЧ

Бош муҳаррир :
Саидакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Л.ГУЛЬ, Э.ЁҚУБОВ, Ф. МУЛЛАЖАНОВ, М. ОТАҚУЛОВ, А.СИЛЕЕНКОВ, А.СУЛТОНОВ, М.ТУЛАГАНОВА, Р.УБАЙДУЛЛАЕВА, Б.УМУРЗОҚОВ, А.ФАРМОНОВ, Ф.ХОЖИҚУЛОВА, Ҳ.ШАЙХОВ, Ф.ШОҲИСМОИЛ, З.ҚОДИРОВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78

БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ -56-85-66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24. Фарғонада - 24-58-43. Урганчда - 6-03-40. Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 7001 65, Тошкент шаҳри, "Правда Востока" кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 64560 ; 64561.
Газетага 1994 йил 14 январд а Ўзбекистон Давлат Матбуот қў аланди. Оф се т усулида босилди. Формати А-2. ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4 1—уй. Буюртма Г— 0679. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 21.00. Масъул навбатчи : Барно СУЛТОНОВА 1 2 3 4 5 6